

**ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ”
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АЪЗОСИНИНГ ЭТИКА
КОДЕКСИ**

Д.Рашидовадан тақлиф
 Ўзбекистон “Миллий тикланиш”
 демократик партияси Марказий
 Кенгаши Ижроия Қўмитасининг 2013
 йил 4 октябрдаги ХЛII йиғилишида
 тасдиқланган

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзосининг ЭТИКА КОДЕКСИ

1-модда. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзосининг этика кодекси (кейинги ўринларда “Кодекс” деб юритилади) партиянинг Устав ва Дастурида белгиланган асосий мақсад ва вазифаларни аҳоли ўртасида тарғиб қилишда фаолликни кучайтириш, ҳаётий муҳим масалаларда партиявий ёндошувни шакллантириш, партия аъзолари учун умумий маънавий-ахлоқий принципларни белгилаш, низоли вазиятларни олдини олиш ёки томонларни муроасага келтириш, барча даражадаги партия ходимларини иш фаолиятида амал қилиши лозим бўлган касбий одоб-ахлоқнинг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат. ~~бўлган қоидаларни белгилан мақсадида ишлаб чиқилди.~~

2. Кодекс ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, партия ходимларининг юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган, Шунингдек:

- ҳар бир партия аъзосининг меҳнат ва ҳаёт фаолияти давомида ва жамият аъзолари орасида ўзини тутиш қоидаларини;
- партия ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини бажаришда риоя этиши лозим бўлган асосий касбий этика тамойилларини;
- иш фаолияти ўрганилаётган ташкилотлар вакиллари, жамоатчилик, касбдошлар ва партия тизимида фаолият юритувчи барча даражадаги ходимлар билан ўзаро муносабатлар этикасини;
- ходимларнинг низоли вазиятлар ва манфаатлар тўқнашганда қай тарзда ҳаракат қилишига доир тавсияларни белгилайди.

2-модда. Кодекснинг амал қилиш соҳаси

1. Партия аъзоси ўз меҳнат фаолиятида қонун ҳужжатлари ва ушбу Кодекс қоидаларига риоя этиши лозим.

2. Кодекс қоидаларига риоя этиш партия ходимининг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

3. Партия ташкилотига ишга қабул қилинаётган фуқаро Кодекс билан танишиши ва танишганлиги тўғрисида имзо чекиши шарт.

3-модда. Кодекснинг принциплари

1. Партия аъзолари ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга оширишлари лозим:

қонунийлик;
фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

2. Қонунлар ва партия дастурий ҳужжатларига амал қилиш принципи.

Партия аъзоси Ватанимизга содиқ бўлиши, унинг манфаатларини ҳимоя қилиши, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигига, партия Устав ва Дастурига сўзсиз риоя этиши, касбий бурчга содиқ бўлиши, ўз лавозим мажбуриятларини бажараётганда бошқаларга ўрнатилган бўлиши ва партия ходими номига доғ туширадиган ҳаракатлар қилмаслиги лозим.

2. Жамият манфаатларига хизмат қилиш принципи.

Партия аъзоси мамлакатда фаолият кўрсатиб турган бошқа сиёсий партиялар билан ўз муносабатларини ғоялар кураши, амалий мулоқотлар ва соғлом рақобат принципига асосланиб шакллантириш лозим.

Турли ижтимоий гуруҳлар манфаатлари ўртасида келиб чиққан низога ходим амалдаги қонунлар, адолат, маънавий-ахлоқий қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашиши лозим.

3. Ўзини-ўзи назорат қилиш принципи.

Партия аъзоси касбдошлари билан ўзаро муносабатларда самимий, хушмуомала бўлиши, ўзи меҳнат қилаётган ташкилот обрўсига путур етказадиган ҳаракат қилмаслиги лозим.

Партия ходими ички меҳнат тартиби қоидаларига онгли, ихтиёрий равишда риоя этиши, барча давлат ва жамоат институтларини ҳурмат қилиши ва уларга нисбатан тўғри муносабатда бўлиши, партия имиджини қўллаб-қувватлаши ва мавқеини мустаҳкамлашга доимо кўмаклашиши шарт.

4. Шахсни ҳурмат қилиш принципи.

Партия аъзоси фуқаро шаъни ва кадр-қимматини, унинг жамиятдаги обрўсини ҳурмат қилиши, ижтимоий-ҳуқуқий тенгликни сақлашга кўмаклашиши лозим.

Партия аъзоси фуқароларни жинс, ирк, миллат, дин ёки сиёсий қарашларидан қатъий назар камситишга йўл қўймаслиги лозим.

5. Умумий ахлоқий принципларга риоя этиш.

Партия аъзоси ўз ҳаётий фаолиятида инсонпарварлик, ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат тамойилларига риоя этиши лозим.

Ҳалоллик ва беғаразлик –партия ходими меҳнат фаолиятининг зарурий шартларидир.

Партия аъзоси ўз лавозим мажбуриятларини бажараётганда инсоний ва касбий ахлоқ қоидаларига риоя этиши, қарор ва хулоса чиқаришда мулоҳазали бўлиши, партияс Устав ва Дастурга риоя қилиши, ўз ишини ҳалол бажариши лозим. Фақат текширилган ва ишончли далилларга асосланган ахборотгина хулоса чиқариш учун асос бўла олишини унутмаслиги лозим.

Доимо комилликка, касб кўникмалари ва малакасини ошириш, партияс аъзоси сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш, янги замонавий билимларга эга бўлишга интилиш партияс аъзосининг маънавий бурчи ва касбий мажбуриятидир.

Партия аъзоси партияснинг ижобий қиёфасини шакллантиришга ҳар томонлама кўмаклашиши, унинг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши ва нуфузини оширишда фаоллик кўрсатиши лозим.

Агар бошқа қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, партияс аъзоларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёки жисмоний ва юридик шахслардан бошқача наф кўриш таъқиқланади.

Партия аъзолари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши лозим.

Партия аъзолари раҳбариятни ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа партияс аъзолари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

Партия раҳбарияти шахслар қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек, бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача тартибда таъқиб қилинишига йўл қўйилмаслигини таъминлаши керак.

Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлиши, партияс тизимида маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифаси доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек, қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўйилмаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

Раҳбар:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиши ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;
 коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;
 ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт.

Рахбар ўзига бўйсунувчи, Кодекс қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

4-модда. Партия тизимидаги юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар этикаси

1. Юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда қонуний ҳуқуқ ва манфаатлар бузилишига йўл қўймаслик ҳамда партиянинг Устав ва Дастури, ўз лавозим мажбуриятлари ва ушбу Кодексга қатъий риоя этилиши лозим.

2. Партия ташкилоти ходими холис бўлиши ва қуйи партия ташкилотлари фаолиятини ўрганиш вақтида ваколат доирасидан четга чиқмаслиги шарт.

3. Юқори партия ташкилоти ходими қуйи партия ташкилоти раҳбарияти ва ходимларни обрўсизлантириш ёки фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш мумкин бўлган муносабатларга киришмаслиги лозим.

4. Партия ходими ўз расмий мавқеи ҳамда ўз фаолияти билан шуғулланаётганда эга бўлган ахборотдан шахсий мақсадларда ёки учинчи томон манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳақли эмас.

5. Агар ходимга уни ғайриқонуний қарор қабул қилишга оғдириш мақсадида таъсир кўрсатилаётган бўлса ва бунда ходим бундай таъсирга мустақил равишда қаршилик қила олмаса, бу ҳолат тўғрисида партия раҳбарига ва ўзининг бевосита раҳбарига дарҳол хабар қилиш лозим.

5-модда. Ходимлар ўртасида ўзаро муносабатлар этикаси

1. Партия ходимлари жамоада ишчан муносабатларнинг ўрнатилишига кўмаклашишлари лозим. Уларнинг ўзаро конструктив ҳамкорлиги партия фаолияти самарадорлигининг асосидир.

2. Бошқа ходимларга нисабатан ташкилий-бошқарув ваколатларига эга ходим улар учун касбий маҳорат, бенуксон ном, одамларга ғамхўрлик ва эътиборлилик намунаси бўлиши, жамоа самарали ишлашига хизмат қиладиган маънавий-психологик муҳитни шакллантиришга кўмаклашиши лозим.

6-модда. Партия аъзолари ўртасида ўзаро муносабатлар этикаси

1. Партия аъзолари ўзаро муносабатларда бир-бирларининг шаъни ва кадр-қимматини, ишдаги обрўсини ҳурмат қилиши, ижтимоий-ҳуқуқий тенгликни сақлашга кўмаклашиши, давлат ҳокимияти вакиллик органларида бевосита иштирок

этишда ўзаро ҳамкорлик ва жипслик каби юксак ахлоқий мезонларга таянишлари лозим.

2. Партия аъзолари партия обрўсига путур етказувчи ёки унинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳаракатлар, шунингдек ушбу Кодексда келтирилган бошқа нормаларга амал қилмаслик ҳолатларидан ўзларини тийиши лозим.

7-модда. Низоли вазиятларни ҳал этиш тартиби

1. Ходим ўз лавозим мажбуриятларини бажариш давомида қуйидаги зиддиятли вазиятларга дуч келиши мумкин:

- раҳбарият томонидан ноҳақ босим ўтказиш;
- бошқа шахсларнинг ходим ўз лавозим мажбуриятларига қарши ҳаракат қилишига қаратилган илтимослари ва талаблари, психологик босим ва бошқа кўринишдаги таъсирлар орқали.

Барча шунга ўхшаш зиддиятли вазиятларда ходим ўзини вазмин ва муносиб тутиши, қонунчилик ҳамда ушбу Кодекснинг этик принципларига қатъий риоя этиши лозим.

4. Партия ходими унинг обрўси ёки лавозимига путур етказиши мумкин бўлган вазиятлардан ўзини четга олиши лозим.

5. Партия ходими низоли вазиятдан ўзини четга ололмаган тақдирда бевосита раҳбар билан муҳокама қилиши лозим.

6. Партия раиси ва бошқа раҳбарлар юз бериши мумкин бўлган низоларни олдини олиш ва бартараф этишга доир чораларни ўз вақтида кўриши лозим.

8-модда. Кодексни бузганлик учун жавобгарлик

1. Партиянинг аъзоси ушбу Кодексга мувофиқ ҳаракат қилиши, унга киритилган ўзгаришлар билан танишиши ва унинг талабларини бажариш бўйича керакли чоралар кўриши лозим.

2. Партия аъзоси томонидан Кодекс қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

3. Партия аъзоси ва ходимининг ахлоқ меъёрларига риоя этишини таҳлил қилиш ва баҳолаш – уларни бирор лавозим ёки мукофотларга тавсия этишда, аттестация, малакавий имтиҳонлар ўтказишда, ходимни бошқа лавозимга тайинлашда, тавсифнома ёки тавсиянома тайёрланиши мажбурийдир.

3. Ахлоқ меъёрларини бузганлик учун партия аъзоси меҳнат жамоаси ва ўз виждони олдида маънавий жавобгардир.

Партия ходими ушбу Кодексда келтирилган ва бошқа умумэтироф этилган ахлоқ меъёрларни бузса интизомий жавобгарликка тортилади, шу жумладан меҳнат шартномаси ҳам бекор қилиниши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси).

4. Ходим томонидан Кодексни бузганлик тўғрисидаги масала партия касаба уюшмаси умумий йиғилишида кўриб чиқилади.

9-модда. Кодекснинг амал қилиш муддати ва унга ўзгартириш (қўшимчалар) киритиш.

Кодекс қабул қилинган кундан эътиборан партиянинг барча бўғинларида муддатсиз амал қилади.

Кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ўрнатилган тартибда партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси йиғилишида қабул қилинади.